# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

<u>2022 й. «11» 8</u> <u>543-7-95-IB/2022-</u>сон Иштихон ш.

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган Иштихон туман Ирригация **бўлими** томонидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар **Ш.К.Усанов** бир томондан, кейинги ўринларда **"Пудратчи"** деб юритиладиган номидан "**JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH" масъулияти чекланган жамияти** Низом асосида иш юритувчи **М.Ж.Арипов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Иштихон туман Ирригация бўлимига қарашли "Саидназар", "Зарбанд машина канали" ва "Мингжамалак" каналлари участкаларини машина механизмлар ёрдамида тозалаш ишлари** мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори **(2022 йил "06" августдаги 128845-сон баённома)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **236 187 450.0 (Икки юз ўттиз олти миллион бир юз саксон етти минг тўрт юз эллик)** сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

**10. Шартнома: 2022 йил “12” августдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31"декабргача амал қилади.**

миллий валюта “сўмда” ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан  кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 70 856 235.0 (Етмиш миллион саккиз юз эллик олти минг икки юз ўттиз беш) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( 1-илова).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичида Буюртмачи қолган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

43. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

46. Томонлар:

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо , бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти- ҳаракатлари/ҳаракатсизлиларини содир этмайдилар.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RD20601437

-Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбарлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

Томонда ушбу Шартноманинг 46. бандаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**Пудратчи:**

Ташкилот номи: **“JOMBOY MAXSUS TA'MIRLASH QURILISH” масъулияти чекланган жамияти** Манзил: Самарканд шахар М.Улугбек кучаси 76А-уй
Банк Самарканд ш.,Турон АТ банк Самарканд ш.филиали
х/р: 20208000204957851001
МФО: 00282 ОКЕД: 42210
ИНН: 302215118
НДС: 318110001172
Тел: 93 224 23 80

**Директор:** **М.Ж.Арипов**

**Буюртмачи:**

Иштихон туман Ирригация бўлими
Манзил: Иштихон туман Каттакурғон кучаси
(х/в ёки шгх): 100022860182127042402170001
Ташкилотчининг Стири : 207263754
ИФУТ: 01613
Газначиликбўлинмасинингноми:
ИштихонтуманибўйичаГазначиликбўлинмаси
**ЯГХ 23 402 00 300 100 001 010**
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош бошқармаси МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг СТИРи:201122919
Буюртмачи рахбари: Ш.Усанов

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: BF7855082762

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi

**Pudrat shartnomasi**

2. Loyihaning nomi

**Pudrat shartnomasi** (Ishtixon tuman Irrigasiya bo'limi tomonidan o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi raxbari Sh.K.Usanov (shartnomada Buyurtmachi deb ataladi) va **"JOMBOY MAXSUS TA'MIRLASH QURILISH"** MCHJ tomonidan o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi M.J.Aripov (shartnomada Pudratchi deb ataladi) o'rtasida 236 187 450 (ikki yuz o'ttiz olti million bir yuz sakson yetti ming to'rt yuz ellik) so'mlik 2022-yil 31-dekabrgacha bo'lgan muddatga amal qilivchi pudrat shartnomasi tuzilganligi to'g'risida)

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot

**Ishtixon tuman Irrigasiya bo'limi**

**Hujjat yuborilgan vaqti 10.08.2022 yil**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi 631-685-moddasi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**2022-yil 11-avgust**

**Bosh yuriskonsult**
**3-darajali yurist** **B.Normuratov**

0001579

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"JOMBOY MAXSUS TA'MIRLASH QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"JOMBOY MAXSUS TA'MIRLASH QURILISH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.02.2012 1579 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 302215118

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Jomboy tumani, Jomboy, SANOAT XUDUDI,

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Jomboy tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 128845 на приобретение Иштихон туман Ирригация булимига карашли “Саидназар”, “Зарбанд машина канали” ва “Мингжамалак” каналлари участкаларини машина механизмлар ёрдамида тозалаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 06.08.2022

Время рассмотрения 06.08.2022 16:55

Конкурсная комиссия Иштихон туман ирригация бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | USANOV SHAVKAT KAXXAROVICH | Бошлик | Иштихон ирригация булими |
| **Секретарь комиссии** | XURRAMOV JAXONGIR DAVRONQULOVICH | ПТО | Иштихон ирригация булими |
| **Член комиссии** | YAQUBOV TULQIN TOSHMATOVICH | Бош хисобчи | Иштихон ирригация булими |
| **Член комиссии** | TURDALIYEV MAQSUDJON ABDURAZZOQOVICH | Х/Мудири | Иштихон ирригация булими |
| **Член комиссии** | BORATOV ZOXID ERKINOVICH | Мухандис гидротехник | Иштихон ирригация булими |
| **Член комиссии** | Mardiyev Sanjar Fayzullayevich | Бош гидрометр | Иштихон ирригация булими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.08.2022 года № лота 128845.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по очистке и прокладке водных каналов** |
|---|---|
| Подробное описание | Иштихон туман Ирригация булимига карашли “Саидназар”, “Зарбанд машина канали” ва “Мингжамалак” каналлари участкаларини машина механизмлар ёрдамида тозалаш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 253 965 000.00 |
| Стартовая сумма | 253 965 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Умумий маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 15 | юқори сифатли қилиб 30 кун муддат ичида бажаришни кафолатлаймиз | 15 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 15 | “SAXOVATLI TEMUR” ОК Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясида 301 630 189 –сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда корхона қурилиш соҳасида 11 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). Илова: Маълумотномалар илова қилинди. | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Ходимлар тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали ишчиларнинг буйруқ асосида ишга олинганлиги тўғрисида маълумот ва буйруқ нусхаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 15 | юқори сифатли қилиб 30 кун муддат ичида бажаришни кафолатлаймиз | 15 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 15 | “SAXOVATLI TEMUR” ОК Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясида 301 630 189 –сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда корхона қурилиш соҳасида 11 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Малакали ишчиларнинг буйруқ асосида ишга олинганлиги тўғрисида маълумот ва буйруқ нусхаси. Илова: Маълумотномалар илова қилинди. | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Кафолот хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати (муддат аниқ кўрсатилиши шарт)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 15 | юқори сифатли қилиб 30 кун муддат ичида бажаришни кафолатлаймиз | 15 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 15 | Korrupsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha va Ta’mirlash ishlarini sifatli va belgilangan muddatda tugatilishi bo’yicha Rasmiy kafolat xati. Илова: Маълумотномалар илова қилинди. | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунигдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йил давомида ушбу иш тури бўйича бажарилган ишлари бўйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари асл нусхалари тақдим этилиши шарт. Бошқа иш турлари ҳисобга олинмайди. Шунингдек аввалги таъмирлаш ишлари бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар ёки хулосалар. Жорий таъмирлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (махалла ва қишлоқ мутасадди вакилларидан олинган маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 15 | юқори сифатли қилиб 30 кун муддат ичида бажаришни кафолатлаймиз | 15 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 15 | “SAXOVATLI TEMUR” OK Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясида 301 630 189 –сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда корхона қурилиш соҳасида 11 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Охирги 3 йил давомида ушбу иш тури бўйича бажарилган ишлари бўйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари асл нусхалари тақдим этилиши шарт. Бошқа иш турлари ҳисобга олинмайди. Шунингдек аввалги таъмирлаш ишлари бўйича | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар ёки хулосалар. Жорий таъмирлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (махалла ва қишлоқ мутасадди вакилларидан олинган маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар) Илова: Маълумотномалар илова қилинди. | | | | |

Критерий №5 Техникалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг ишларни олиб бориш жараёнида фойдаланиладиган асбоб ускуналар ва механизмлар рўйхати; Иштирокчининг техникалари мавжудлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 15 | юқори сифатли қилиб 30 кун муддат ичида бажаришни кафолатлаймиз | 15 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 15 | “SAXOVATLI TEMUR” ОК Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясида 301 630 189 –сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда корхонамиз қурилиш соҳасида 11 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Корхонамиз ишларни бажаришга етарли қурилиш материаллари ва техникалари мавжуд. шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисида малумотлар тақдим қилинди. Илова: Маълумотномалар илова қилинди. | 15 | Экспертная | | |

Критерий №6 Банк маьлумотномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона ҳисоб рақамида шартнома суммасининг 30% миқдорида маблағ мавжуд бўлиши (банк маълумотномаси) ва танлов иштирокчиси рейтинги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 15 | юқори сифатли қилиб 30 кун муддат ичида бажаришни кафолатлаймиз | 15 | Экспертная | | |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 15 | “SAXOVATLI TEMUR” OК Иштихон тумани давлат солиқ инспекциясида 301 630 189 –сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда корхона қурилиш соҳасида 11 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Корхона ҳисоб рақамида шартнома суммасининг 30% миқдорида маблағ мавжуд бўлиши (банк маълумотномаси) ва танлов иштирокчиси рейтинги. Илова: Маълумотномалар илова қилинди. | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | 253 965 000.00 | 236 187 450.00 UZS | 236 187 450.00 | 00.00 | 236 187 450.00 | 04.08.2022 09:47:48 | 100.00 |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | 253 965 000.00 | 236 187 450.00 UZS | 236 187 450.00 | 00.00 | 236 187 450.00 | 04.08.2022 12:01:01 | 100.00 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH** | Прошел | 100 | 100 |
| **"SAXOVOTLI TEMUR" OK** | Прошел | 100 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 128845 от 06.08.2022 года на приобретение Иштихон туман Ирригация

булимига карашли “Саидназар”, “Зарбанд машина канали” ва “Мингжамалак” каналлари участкаларини машина механизмлар ёрдамида тозалаш ишлари определила победителем:

ООО JOMBOY MAXSUS TA`MIRLASH QURILISH
302215118

и резервный исполнитель: "SAXOVOTLI TEMUR" OK (301630189)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
| --- | --- | --- | --- |
| **Председатель комиссии** | USANOV SHAVKAT KAXXAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YAQUBOV TULQIN TOSHMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURDALIYEV MAQSUDJON ABDURAZZOQOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BORATOV ZOXID ERKINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Mardiyev Sanjar Fayzullayevich | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 2022 ЙИЛДА КУТИЛАЁТГАН СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУВ БИЛАН ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2022 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув билан ишончли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув олиш лимитлари тўғрисидаги таклифлари 1, 1.1 — 1.13-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

2. 2022 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳининг (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сув омборларидаги сув ресурсларидан фойдаланишни тўлиқ назоратга олиш, айниқса, йирик сув омборларидан сув чиқариш ва насос станцияларидан фойдаланишни қатъий равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг аниқ ҳисоб-китобларига асосланган талабномалар бўйича амалга ошириш;

мавжуд суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг мавсумга шайлигини таъминлаш билан боғлиқ барча тадбирларнинг бажарилиши бўйича қатъий мониторинг олиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда, электр энергияси ва сув билан узлуксиз таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб, сувни тежайдиган суғориш технологияларининг «бир канал — бир тизим» тамойили асосида жойлаштирилишига эътибор қаратиш;

суғориш мавсуми давомида ҳар ўн кунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолатини танқидий ўрганиш ҳамда бу борада мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш.

Республика ишчи гуруҳи (Ш.М. Ғаниев) ушбу вазифаларни тезкор ва самарали бажариш мақсадида бир ҳафта муддатда Сув хўжалиги вазирлигида республика ишчи гуруҳининг штабини ташкил қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят ва туманларда ҳудудий ишчи гуруҳлар таркиби уч кун муддатда тасдиқланишини таъминласин.

Белгилансинки, туманда ва ҳар бир сектор ҳудудида суғориш штаблари ташкил этилиб, улар томонидан сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш, сув тақсимоти ва ҳисоб-китобини юритиш, сувчиларга далада зарур шароит яратиш ҳамда иш ҳақларини ўз вақтида бериш ва тунги суғориш ишлари мувофиқлаштириб борилади.

5. 2022 йилда амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини, насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишлари режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўн кун муддатда ушбу қарорга 1-иловадан келиб чиқиб, ҳар бир ирригация тизими канали ва суғориш тармоғи, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари бўйича сув олиш лимитларини тасдиқлаб, тегишли шартномалар расмийлаштирилишини ҳамда шартномалар реестрини сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича белгиланган тартибда назорат қилиб бориш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ва туманлар бўлимларига берилишини;

сув танқислиги шароитида харид қилинган кўчма дизель ва бошқа турдаги насос агрегатларини икки ҳафта муддатда хатловдан ўтказиб, қўшимча сув етказиб бериш мақсадида уларнинг коллектор-дренаж тармоқларига ўрнатилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ушбу қарорга 3-иловада келтирилган тадбирларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган 300 млрд сўмнинг:

100 млрд сўмини бир ҳафта муддатда Сув хўжалиги вазирлигига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирсин ва сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиқиб, давлат бюджети харажатларининг мақбуллаштирилган қисми ҳисобидан тиклаб берсин;

200 млрд сўмини асословчи ҳисоб-китоблар тақдим этилган ҳолда давлат бюджети харажатларининг мақбуллаштирилган, шу жумладан, Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағларнинг мақбуллаштирилган қисмидан шаклланган маблағлар ҳисобидан молиялаштирсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Фарғона водийси магистрал каналларида сув сарфини мониторинг қилиш ҳамда масофадан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида таклиф ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил ва кейинги йилларда сув сарфини мониторинг қилиш ва масофадан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаларига халқаро молия институтларининг кредит ва грантларини жалб этиш чораларини кўрсин;

в) 2022 йил 1 октябрга қадар Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Геоахборот тизимида республикада сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича қуйидаги имкониятларга эга ахборот тизимини ишга туширсин:

ерни масофадан зондлаш технологиялари, шу жумладан, сунъий йўлдош ва дронлар ёрдамида олинган маълумотлар асосида ҳудудларда сув танқислигини таҳлил қилиш ва суғориш тизимининг доимий мониторингини олиб бориш;

экинлар мониторингини юритишда вегетация даврийлиги, сув билан таъминланганлик ҳамда бошқа спектрал индекслардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва қарорлар қабул қилиш;

тупроқ ва иқлим хусусиятларига ҳамда суғориш имкониятларига мос экинларни жойлаштириш бўйича таҳлил ва тавсиялар бериш;

ер участкаларининг сувни тежайдиган технологиялар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш.

9. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан насос станциялари ва вертикал суғориш қудуқларини ишлатиш учун 2022 йилда сарфланадиган электр энергияси миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2022 йил учун белгиланган электр энергияси миқдорларининг амалдаги истеъмолидан келиб чиқиб, республика бюджетида электр энергияси учун кўзда тутилган маблағнинг 20,4 млрд сўмини қайта тақсимлаш ҳамда маҳаллий бюджетларда сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун кўзда тутилган маблағлар ва маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари насос станциялари ва вертикал суғориш қудуқларининг белгиланган электр энергияси миқдори ҳамда унга ажратилган маблағлар ва тасдиқланган сув олиш лимитлари доирасида ишлатилишини таъминлайди;

Сув хўжалиги вазирлиги насос станциялари ва вертикал суғориш қудуқларини техник соз ҳолатда бўлиши ва самарали ишлашини ташкил этади ҳамда ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритади;

Энергетика вазирлиги «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Миллий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда 2022 йил учун белгиланган электр энергияси миқдорларини ажратиш ҳамда насос станциялари ва вертикал суғориш қудуқларини белгиланган режим асосида узлуксиз электр энергияси билан таъминлайди.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига, шунингдек, сув олиш лимитларига қатъий риоя этилиши бўйича тизимли назорат ўрнатсин ҳамда бу борада қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриб, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

11. Сув хўжалиги вазирлиги республика суғориш штабини ташкил қилиб, ушбу қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича қатъий назорат ўрнатсин ҳамда бу борада сусткашликка йўл қўйган барча бўғиндаги раҳбарлар ва масъулларга нисбатан қатъий чоралар кўриш тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 10 май,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

## СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ

*млн куб м*

| | Жами сув олиш лимити* | шу жумладан ойлар бўйича: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 856,7 | 460,6 | 614,1 | 790,8 | 844,4 | 652,5 | 494,3 |
| вилоятлар: | | | | | | | |
| Андижон | 1 702,0 | 200,0 | 198,0 | 275,0 | 475,0 | 305,0 | 249,0 |
| Бухоро | 2 077,3 | 199,4 | 208,4 | 374,6 | 721,8 | 458,2 | 114,9 |
| Жиззах | 1 870,3 | 240,7 | 299,3 | 352,6 | 450,8 | 319,9 | 207,0 |
| Қашқадарё | 2 998,0 | 464,8 | 372,1 | 570,1 | 849,9 | 495,9 | 245,2 |
| Навоий | 869,0 | 120,4 | 134,5 | 156,5 | 170,2 | 159,0 | 128,4 |
| Наманган | 1 709,7 | 195,9 | 290,5 | 332,6 | 412,5 | 338,0 | 140,2 |
| Самарқанд | 2 290,5 | 212,0 | 325,1 | 414,8 | 540,7 | 360,0 | 437,9 |
| Сурхондарё | 2 361,7 | 276,5 | 376,0 | 435,8 | 494,9 | 376,8 | 401,7 |
| Сирдарё | 1 647,3 | 150,0 | 250,0 | 350,0 | 400,0 | 200,0 | 297,2 |
| Тошкент | 2 395,1 | 329,2 | 406,1 | 417,2 | 526,8 | 406,3 | 309,5 |
| Фарғона | 2 086,4 | 272,4 | 343,9 | 374,6 | 424,7 | 345,4 | 325,3 |
| Хоразм | 2 338,8 | 220,0 | 400,0 | 500,0 | 535,0 | 490,0 | 193,8 |
| **ЖАМИ** | **28 202,8** | **3 341,9** | **4 218,0** | **5 344,6** | **6 846,7** | **4 907,0** | **3 544,4** |

** Манбалардаги сувнинг ҳақиқий миқдоридан ва об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув олиш лимитларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.1-ИЛОВА

**2022 йилда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

## СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ

*млн куб м*

| Туман (шаҳар) номи | Жами сув олиш лимити | шундан ойлар бўйича: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Тўрткўл | 267,5 | 31,7 | 42,6 | 55,2 | 58,8 | 45,2 | 34,1 |
| Беруний | 320,8 | 38,3 | 51,1 | 65,7 | 70,3 | 54,3 | 41,2 |
| Элликқалъа | 278,1 | 33,0 | 44,2 | 57,2 | 61,1 | 47,2 | 35,4 |
| Амударё | 373,9 | 44,8 | 59,4 | 76,6 | 81,7 | 63,3 | 48,1 |
| Тахиатош | 214,1 | 25,6 | 34,1 | 43,8 | 46,9 | 36,2 | 27,5 |
| Хўжайли | 118,1 | 14,2 | 18,8 | 24,2 | 25,8 | 20,0 | 15,1 |
| Шуманай | 235,4 | 28,1 | 37,6 | 48,3 | 51,5 | 39,8 | 30,1 |
| Қонликўл | 256,7 | 30,6 | 40,8 | 52,7 | 56,3 | 43,4 | 32,9 |
| Қўнғирот | 278,2 | 33,3 | 44,3 | 57,0 | 60,8 | 47,1 | 35,7 |
| Нукус т. | 267,4 | 32,0 | 42,6 | 54,8 | 58,5 | 45,2 | 34,4 |
| Кегейли | 267,4 | 32,0 | 42,6 | 54,8 | 58,5 | 45,2 | 34,4 |
| Бўзатов | 272,9 | 32,5 | 43,4 | 55,9 | 59,7 | 46,2 | 35,1 |
| Чимбой | 262,2 | 31,4 | 41,7 | 53,7 | 57,4 | 44,5 | 33,6 |
| Қораўзак | 235,4 | 28,1 | 37,6 | 48,3 | 51,5 | 39,8 | 30,1 |
| Тахтакўпир | 96,3 | 11,5 | 15,3 | 19,8 | 21,1 | 16,2 | 12,3 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мўйноқ | 96,2 | 11,5 | 15,3 | 19,7 | 21,1 | 16,2 | 12,3 |
| Нукус ш. | 16,1 | 2,0 | 2,6 | 3,3 | 3,4 | 2,8 | 2,0 |
| **ЖАМИ** | **3 856,7** | **460,6** | **614,1** | **790,8** | **844,4** | **652,5** | **494,3** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.2-ИЛОВА

**2022 йилда Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шундан ойлар бўйича: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Андижон | 133,0 | 15,8 | 15,3 | 21,3 | 37,0 | 23,7 | 19,9 |
| Асака | 104,9 | 12,5 | 12,1 | 16,8 | 29,2 | 18,7 | 15,8 |
| Балиқчи | 156,8 | 18,6 | 18,1 | 25,1 | 43,6 | 28,0 | 23,3 |
| Булоқбоши | 87,4 | 8,2 | 11,9 | 16,7 | 26,0 | 17,0 | 7,5 |
| Бўстон | 61,4 | 7,4 | 7,0 | 9,7 | 17,0 | 10,9 | 9,4 |
| Жалақудуқ | 160,8 | 19,1 | 18,6 | 25,8 | 44,8 | 28,7 | 23,9 |
| Избоскан | 143,1 | 17,0 | 16,5 | 22,9 | 39,8 | 25,5 | 21,3 |
| Улуғнор | 146,4 | 17,4 | 16,9 | 23,5 | 40,7 | 26,1 | 21,8 |
| Марҳамат | 186,1 | 22,0 | 21,5 | 29,9 | 51,8 | 33,2 | 27,6 |
| Олтинкўл | 106,5 | 12,7 | 12,3 | 17,0 | 29,6 | 19,0 | 16,0 |
| Пахтаобод | 97,2 | 11,6 | 11,2 | 15,5 | 27,0 | 17,3 | 14,6 |
| Хўжаобод | 126,3 | 15,0 | 14,6 | 20,2 | 35,1 | 22,5 | 18,9 |
| Шаҳрихон | 58,1 | 7,0 | 6,6 | 9,2 | 16,1 | 10,3 | 8,9 |
| Қўрғонтепа | 133,9 | 15,9 | 15,4 | 21,4 | 37,2 | 23,9 | 20,0 |
| **ЖАМИ** | **1 702,0** | **200,0** | **198,0** | **275,0** | **475,0** | **305,0** | **249,0** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.3-ИЛОВА

**2022 йилда Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман (шаҳар) номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Бухоро | 189,9 | 16,5 | 18,3 | 32,9 | 69,4 | 44,1 | 8,1 |
| Вобкент | 186,8 | 15,4 | 14,7 | 33,4 | 68,9 | 44,1 | 10,4 |
| Жондор | 253,7 | 25,0 | 27,1 | 47,2 | 86,5 | 54,2 | 13,7 |
| Когон | 150,4 | 14,2 | 15,7 | 28,0 | 53,3 | 32,4 | 6,6 |
| Қоракўл | 198,7 | 20,4 | 20,9 | 35,8 | 66,9 | 42,9 | 11,8 |
| Қоровулбозор | 118,2 | 12,7 | 11,4 | 20,8 | 40,0 | 25,5 | 7,7 |
| Олот | 166,5 | 16,7 | 17,5 | 30,9 | 57,7 | 35,5 | 8,1 |
| Пешку | 176,9 | 16,2 | 16,5 | 30,8 | 61,2 | 40,4 | 11,8 |
| Ромитан | 215,5 | 20,4 | 21,5 | 39,7 | 74,9 | 47,2 | 11,9 |
| Шофиркон | 211,8 | 22,7 | 23,2 | 38,3 | 69,2 | 45,2 | 13,3 |
| Ғиждувон | 192,4 | 17,4 | 18,7 | 34,1 | 68,3 | 43,7 | 10,3 |
| Бухоро ш. | 192,4 | 1,8 | 2,5 | 2,8 | 5,4 | 2,9 | 1,1 |
| **ЖАМИ** | **2 077,3** | **199,4** | **208,4** | **374,6** | **721,8** | **458,2** | **114,9** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.4-ИЛОВА

**2022 йилда Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман (шаҳар) номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Арнасой | 155,5 | 22,1 | 28,5 | 32,0 | 39,3 | 29,3 | 4,3 |
| Бахмал | 100,8 | 10,4 | 11,9 | 14,8 | 22,8 | 13,6 | 27,3 |
| Ғаллаорол | 123,4 | 13,8 | 16,5 | 19,9 | 27,8 | 17,2 | 28,2 |
| Ш.Рашидов | 268,2 | 32,9 | 40,8 | 47,6 | 61,7 | 40,9 | 44,3 |
| Дўстлик | 209,4 | 29,8 | 38,3 | 42,9 | 52,5 | 39,5 | 6,4 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Зомин | 128,9 | 15,2 | 18,1 | 23,2 | 30,5 | 20,2 | 21,7 |
| Зарбдор | 316,3 | 45,2 | 57,7 | 64,5 | 77,3 | 59,9 | 11,7 |
| Зафаробод | 108,6 | 14,0 | 18,3 | 24,3 | 27,7 | 22,1 | 2,2 |
| Мирзачўл | 202,9 | 28,9 | 37,1 | 41,6 | 51,0 | 38,2 | 6,1 |
| Пахтакор | 153,2 | 21,9 | 28,2 | 31,8 | 38,2 | 28,8 | 4,3 |
| Фориш | 41,5 | 2,0 | 0,5 | 3,1 | 8,8 | 3,5 | 23,6 |
| Янгиобод | 57,2 | 3,9 | 2,6 | 6,0 | 12,2 | 5,7 | 26,8 |
| Жиззах ш. | 4,5 | 0,6 | 0,9 | 0,9 | 1,1 | 0,8 | 0,2 |
| **ЖАМИ** | **1 870,3** | **240,7** | **299,3** | **352,6** | **450,8** | **319,9** | **207,0** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.5-ИЛОВА

**2022 йилда Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Ғузор | 167,0 | 31,0 | 27,3 | 33,4 | 48,2 | 27,2 | 0,0 |
| Деҳқонобод | 7,0 | 1,4 | 1,2 | 1,0 | 1,9 | 1,4 | 0,0 |
| Қарши | 287,0 | 48,0 | 25,9 | 52,2 | 90,7 | 41,9 | 28,2 |
| Косон | 409,5 | 68,1 | 29,2 | 74,2 | 129,8 | 63,1 | 45,0 |
| Қамаши | 150,0 | 26,1 | 27,0 | 30,6 | 41,3 | 23,2 | 1,7 |
| Китоб | 76,0 | 11,6 | 16,3 | 16,6 | 19,0 | 12,5 | 0,0 |
| Миришкор | 349,0 | 63,0 | 27,9 | 63,3 | 99,6 | 50,2 | 45,0 |
| Муборак | 169,5 | 26,8 | 16,6 | 30,4 | 45,8 | 26,5 | 23,4 |
| Нишон | 319,5 | 49,5 | 30,5 | 59,2 | 96,6 | 54,0 | 29,8 |
| Касби | 319,0 | 49,7 | 31,0 | 59,1 | 96,1 | 54,1 | 29,0 |
| Чироқчи | 186,5 | 21,5 | 33,8 | 38,9 | 48,1 | 35,5 | 8,8 |
| Шаҳрисабз | 115,3 | 17,7 | 24,8 | 25,0 | 28,4 | 19,0 | 0,4 |
| Яккабоғ | 122,5 | 19,0 | 26,9 | 26,2 | 29,8 | 19,5 | 1,1 |
| **ЖАМИ** | **2 998,0** | **464,8** | **372,1** | **570,1** | **849,9** | **495,9** | **245,2** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.6-ИЛОВА

**2022 йилда Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Кармана | 163,9 | 22,4 | 24,0 | 29,1 | 33,1 | 30,5 | 24,9 |
| Конимех | 28,2 | 4,3 | 4,6 | 4,8 | 5,2 | 5,2 | 4,1 |
| Қизилтепа | 269,6 | 41,3 | 41,2 | 53,6 | 58,5 | 41,9 | 33,1 |
| Навбаҳор | 146,4 | 19,0 | 23,0 | 24,4 | 25,8 | 28,4 | 25,8 |
| Нурота | 18,4 | 0,0 | 3,1 | 4,7 | 3,8 | 4,0 | 2,8 |
| Хатирчи | 242,5 | 33,4 | 38,6 | 39,9 | 43,8 | 49,0 | 37,7 |
| **ЖАМИ** | 869,0 | 120,4 | 134,5 | 156,5 | 170,2 | 159,0 | 128,4 |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.7-ИЛОВА

**2022 йилда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Мингбулоқ | 234,0 | 18,0 | 34,4 | 46,3 | 60,2 | 54,2 | 20,8 |
| Косонсой | 122,1 | 15,0 | 19,3 | 25,5 | 26,7 | 25,8 | 9,8 |
| Наманган | 135,0 | 18,1 | 24,0 | 27,4 | 28,6 | 20,8 | 16,1 |
| Норин | 102,0 | 10,4 | 13,7 | 18,2 | 29,4 | 22,4 | 8,0 |
| Поп | 281,0 | 23,6 | 50,4 | 56,3 | 76,2 | 50,9 | 23,5 |
| Тўрақўрғон | 151,0 | 16,6 | 30,1 | 31,3 | 36,4 | 25,9 | 10,7 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Уйчи | 122,0 | 16,1 | 22,5 | 21,6 | 29,8 | 23,1 | 8,8 |
| Учқўрғон | 148,0 | 18,1 | 23,7 | 29,6 | 34,7 | 29,1 | 12,9 |
| Чортоқ | 121,3 | 15,7 | 17,6 | 22,2 | 29,9 | 26,3 | 9,6 |
| Чуст | 194,3 | 27,2 | 35,9 | 35,4 | 42,2 | 37,0 | 16,6 |
| Янгиқўрғон | 99,0 | 17,0 | 19,1 | 18,9 | 18,3 | 22,3 | 3,4 |
| **ЖАМИ** | **1 709,7** | **195,9** | **290,5** | **332,6** | **412,5** | **338,0** | **140,2** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.8-ИЛОВА

**2022 йилда Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Булунғур | 151,8 | 15,4 | 20,0 | 27,9 | 34,8 | 22,7 | 31,0 |
| Жомбой | 160,2 | 15,7 | 21,5 | 29,4 | 37,2 | 24,2 | 32,1 |
| Иштихон | 184,6 | 16,0 | 27,1 | 35,1 | 44,9 | 29,1 | 32,3 |
| Каттақўрғон | 233,1 | 24,3 | 29,6 | 38,3 | 49,6 | 34,1 | 57,2 |
| Нарпай | 173,9 | 21,2 | 24,6 | 30,0 | 41,2 | 27,0 | 29,8 |
| Нуробод | 40,7 | 4,6 | 5,7 | 7,8 | 9,9 | 6,3 | 6,4 |
| Оқдарё | 150,2 | 10,8 | 21,2 | 30,2 | 36,9 | 23,9 | 27,3 |
| Пастдарғом | 250,6 | 20,5 | 38,5 | 48,2 | 63,9 | 39,9 | 39,6 |
| Пахтачи | 146,0 | 18,0 | 20,5 | 25,7 | 34,4 | 22,5 | 24,9 |
| Пайариқ | 233,1 | 19,2 | 33,0 | 42,2 | 55,7 | 36,3 | 46,7 |
| Самарқанд | 76,7 | 6,2 | 11,0 | 15,3 | 19,7 | 12,4 | 12,2 |
| Тойлоқ | 73,2 | 5,7 | 10,7 | 14,5 | 18,5 | 11,8 | 12,0 |
| Ургут | 139,0 | 10,7 | 20,1 | 26,3 | 33,7 | 21,5 | 26,8 |
| Қўшработ | 10,5 | 1,1 | 1,9 | 2,5 | 1,6 | 1,3 | 2,0 |
| **ЖАМИ** | **2 290,5** | **212,0** | **325,1** | **414,8** | **540,7** | **360,0** | **437,9** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.9-ИЛОВА

**2022 йилда Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Ангор | 155,7 | 16,7 | 22,7 | 28,2 | 37,5 | 25,5 | 25,1 |
| Бандихон | 146,4 | 19,9 | 25,6 | 26,6 | 30,9 | 18,6 | 24,8 |
| Бойсун | 44,7 | 6,8 | 8,3 | 8,9 | 9,3 | 6,4 | 5,1 |
| Денов | 206,0 | 18,5 | 25,0 | 36,3 | 54,2 | 36,6 | 35,4 |
| Жарқўрғон | 225,3 | 27,6 | 30,7 | 43,0 | 53,0 | 34,3 | 36,8 |
| Қизириқ | 251,5 | 30,2 | 40,5 | 50,6 | 39,3 | 44,4 | 46,5 |
| Қумқўрғон | 205,9 | 27,1 | 31,2 | 39,5 | 40,0 | 34,0 | 34,0 |
| Музработ | 254,2 | 20,3 | 45,1 | 46,2 | 55,2 | 45,0 | 42,4 |
| Олтинсой | 125,3 | 14,4 | 18,7 | 19,6 | 29,2 | 19,1 | 24,3 |
| Сариосиё | 114,0 | 17,0 | 22,4 | 22,2 | 22,8 | 10,8 | 18,8 |
| Термиз | 119,9 | 15,6 | 23,2 | 20,6 | 25,5 | 16,3 | 18,7 |
| Узун | 120,6 | 15,8 | 21,8 | 22,7 | 23,3 | 15,0 | 22,0 |
| Шеробод | 240,7 | 28,3 | 33,0 | 45,6 | 45,7 | 46,3 | 41,8 |
| Шўрчи | 151,3 | 18,2 | 27,5 | 26,2 | 29,5 | 24,2 | 25,6 |
| **ЖАМИ** | **2 361,7** | **276,5** | **376,0** | **435,8** | **494,9** | **376,8** | **401,7** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.10-ИЛОВА

**2022 йилда Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Боёвут | 216,1 | 19,7 | 32,9 | 46,3 | 52,6 | 25,6 | 39,0 |
| Гулистон | 155,8 | 14,3 | 23,7 | 33,1 | 37,7 | 18,9 | 28,1 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мирзаобод | 183,6 | 17,1 | 28,3 | 39,9 | 44,4 | 20,8 | 33,1 |
| Оқолтин | 193,5 | 17,8 | 29,8 | 42,2 | 47,0 | 21,8 | 35,0 |
| Сардоба | 188,5 | 17,4 | 29,2 | 41,4 | 45,7 | 20,8 | 34,1 |
| Сайхунобод | 243,0 | 22,1 | 36,5 | 50,6 | 59,0 | 31,1 | 43,8 |
| Сирдарё | 249,8 | 22,8 | 37,6 | 52,1 | 60,5 | 31,8 | 45,0 |
| Ховос | 216,8 | 18,9 | 32,0 | 44,4 | 53,3 | 29,1 | 39,2 |
| **ЖАМИ** | **1 647,2** | **150,0** | **250,0** | **350,0** | **400,0** | **200,0** | **297,2** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.11-ИЛОВА

**2022 йилда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Оққўрғон | 161,6 | 22,5 | 24,8 | 28,8 | 41,4 | 29,3 | 14,8 |
| Оҳангарон | 133,2 | 21,0 | 26,1 | 22,8 | 24,4 | 19,7 | 19,1 |
| Бекобод | 465,2 | 60,6 | 71,8 | 81,2 | 107,8 | 84,3 | 59,6 |
| Бўстонлиқ | 76,6 | 8,5 | 11,5 | 13,9 | 16,5 | 13,5 | 12,7 |
| Бўка | 200,3 | 28,2 | 32,7 | 34,7 | 48,5 | 35,2 | 21,0 |
| Қуйичирчиқ | 224,4 | 32,5 | 38,2 | 38,8 | 51,5 | 38,5 | 24,9 |
| Зангиота | 74,5 | 5,9 | 11,4 | 15,2 | 16,0 | 12,8 | 13,2 |
| Тошкент | 76,2 | 8,4 | 12,7 | 14,5 | 14,1 | 11,9 | 14,6 |
| Юқоричирчиқ | 141,2 | 26,1 | 30,5 | 22,5 | 26,9 | 20,1 | 15,1 |
| Қибрай | 126,7 | 12,9 | 19,8 | 24,2 | 25,5 | 21,4 | 22,9 |
| Паркент | 80,8 | 7,6 | 9,7 | 14,0 | 19,7 | 16,1 | 13,7 |
| Пскент | 130,0 | 17,8 | 22,9 | 22,6 | 30,0 | 22,3 | 14,4 |
| Ўртачирчиқ | 195,2 | 31,2 | 36,2 | 32,6 | 43,0 | 31,6 | 20,6 |
| Чиноз | 148,7 | 23,0 | 26,7 | 25,5 | 33,5 | 24,5 | 15,5 |
| Янгийўл | 160,4 | 23,0 | 31,1 | 25,9 | 28,0 | 25,1 | 27,3 |
| **ЖАМИ** | **2 395,1** | **329,2** | **406,1** | **417,2** | **526,8** | **406,3** | **309,5** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.12-ИЛОВА

**2022 йил апрель — сентябрь ойларида Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман (шаҳар) номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Қувасой ш. | 5,5 | 11,5 | 18,5 | 19,1 | 17,1 | 14,4 | 5,5 |
| Фарғона ш. | 1,7 | 2,1 | 3,5 | 4,8 | 4,1 | 4,3 | 1,7 |
| Бешариқ | 22,0 | 26,5 | 31,5 | 32,4 | 26,6 | 21,4 | 22,0 |
| Боғдод | 19,4 | 20,9 | 24,0 | 28,4 | 22,8 | 21,6 | 19,4 |
| Бувайда | 16,5 | 17,9 | 19,4 | 24,6 | 18,7 | 18,5 | 16,5 |
| Данғара | 16,1 | 19,9 | 24,8 | 28,3 | 22,4 | 20,0 | 16,1 |
| Ёзёвон | 24,1 | 24,8 | 24,5 | 26,3 | 17,7 | 17,6 | 24,1 |
| Қува | 17,8 | 31,6 | 30,1 | 32,3 | 25,9 | 22,7 | 17,8 |
| Олтиариқ | 20,2 | 26,6 | 25,8 | 26,9 | 20,3 | 19,9 | 20,2 |
| Қўштепа | 33,1 | 39,3 | 31,1 | 31,4 | 24,6 | 25,8 | 33,1 |
| Риштон | 20,7 | 22,0 | 21,8 | 26,3 | 20,4 | 21,1 | 20,7 |
| Сўх | 0,8 | 1,3 | 2,3 | 2,5 | 1,4 | 2,2 | 0,8 |
| Тошлоқ | 14,6 | 21,6 | 20,1 | 23,5 | 16,0 | 16,5 | 14,6 |
| Ўзбекистон | 7,2 | 13,1 | 22,4 | 26,7 | 28,2 | 21,4 | 7,2 |
| Учкўприк | 11,6 | 15,1 | 19,1 | 23,4 | 21,4 | 22,3 | 11,6 |
| Фарғона | 15,5 | 22,6 | 27,9 | 36,5 | 35,4 | 36,1 | 15,5 |
| Фурқат | 15,3 | 16,2 | 17,7 | 20,3 | 12,9 | 10,6 | 15,3 |
| **ЖАМИ** | **2 086,4** | **272,4** | **343,9** | **374,6** | **424,7** | **345,4** | **325,3** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
1.13-ИЛОВА

**2022 йилда Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун**

**СУВ ОЛИШ ЛИМИТЛАРИ**

*млн куб м*

| Туман (шаҳар) номи | Жами сув олиш лимити | шу жумладан, ойлар бўйича | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь |
| Боғот | 202,8 | 19,0 | 34,7 | 43,4 | 46,4 | 42,5 | 16,7 |
| Гурлан | 299,9 | 28,5 | 51,3 | 63,9 | 68,3 | 62,7 | 25,3 |
| Қўшкўпир | 265,7 | 25,0 | 45,5 | 56,8 | 60,7 | 55,6 | 22,0 |
| Урганч | 248,6 | 23,4 | 42,5 | 53,2 | 56,9 | 52,1 | 20,6 |
| Ҳазорасп | 182,3 | 17,0 | 31,2 | 39,1 | 41,8 | 38,3 | 15,0 |
| Хонқа | 226,5 | 21,2 | 38,8 | 48,5 | 51,9 | 47,5 | 18,7 |
| Хива | 185,3 | 17,4 | 31,7 | 39,6 | 42,4 | 38,8 | 15,4 |
| Шовот | 245,2 | 23,1 | 42,0 | 52,4 | 56,1 | 51,3 | 20,3 |
| Янгиариқ | 161,8 | 15,2 | 27,7 | 34,6 | 37,0 | 33,9 | 13,4 |
| Янгибозор | 217,9 | 20,6 | 37,3 | 46,5 | 49,8 | 45,6 | 18,1 |
| Тупроққалъа | 102,7 | 9,5 | 17,5 | 22,1 | 23,7 | 21,7 | 8,3 |
| **ЖАМИ** | **2 338,8** | **220,0** | **400,0** | **500,0** | **535,0** | **490,0** | **193,8** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2022 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи**

**ТАРКИБИ**

1. Ш. Ғаниев — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, *Республика ишчи гуруҳи раҳбари*
2. Ш. Хамраев — сув хўжалиги вазири, *Республика ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. Ш. Тешаев — қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
4. А. Хайдаров — молия вазирининг ўринбосари
5. Ш. Ходжаев — энергетика вазирининг ўринбосари
6. А. Вахабов — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
7. Ш. Хабибуллаев — «Ўзгидромет» маркази бош директори
8. У. Мустафоев — «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси
9. Р. Маматкулов — «Агробанк» АТБ бошқаруви раиси
10. Н. Эрназаров — «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи в.в.б
11. Б. Мирзаев — «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори
12. С. Исламов — Тошкент давлат аграр университетининг биринчи проректори
13. А. Ўразкелдиев — Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори в.в.б
14. Х. Ишанов — Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти бош мутахассиси, *Республика ишчи гуруҳи котиби*

***Изоҳ.*** *Республика ишчи гуруҳи аъзоси бошқа ишга ўтганда унинг ўрнига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахс киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2022 йилда амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини, насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишлари**

**РЕЖАСИ**

| | Жами ажратиладиган маблағ, млн сўм | шу жумладан: | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | суғориш тармоқларини тозалаш | | гидротехника иншоотларини таъмирлаш | | суғориш тармоқларини бетонлаштириш | | насос агрегатларини сотиб олиш | | насос агрегатларини таъмирлаш | | насос станцияларининг босимли қувурларини таъмирлаш | | вертикал суғориш қудуқларини қуриш | |
| | | узунлиги, км | маблағ, млн сўм | сони, та | маблағ, млн сўм | узунлиги, км | маблағ, млн сўм | сони, та | маблағ, млн сўм | сони, та | маблағ, млн сўм | узунлиги, км | маблағ, млн сўм | сони, та | маблағ, млн сўм |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 26 120 | 638,0 | 12 036 | 241 | 4 563 | | | 323 | 7 410 | 188 | 1 873 | 2,4 | 237 | | |
| вилоятлар: | | | | | | | | | | | | | | | |
| Андижон | 24 200 | 211, | 872 | 223 | 1 015 | 12,5 | 1 188 | 123 | 8 125 | 75 | 2 000 | 3,6 | 2 000 | 20 | 9 000 |

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 4 | | | | | | | | | | | | | |
| Бухоро | 35 604 | 72,0 | 2 345 | 122 | 3 027 | 38,0 | 15 649 | 250 | 6 783 | | | | | 39 | 7 800 |
| Жиззах | 21 036 | 348,0 | 4 374 | 452 | 5 240 | 12,0 | 1 489 | 67 | 5 754 | 44 | 994 | | | 7 | 3 185 |
| Қашқадарё | 25 433 | 334,0 | 7 025 | 1173 | 1 456 | 57,6 | 2 798 | 12 | 720 | 68 | 353 | 0,03 | 31 | 29 | 13 050 |
| Навоий | 17 520 | 63,0 | 615 | 43 | 1 792 | 10,0 | 11 244 | 22 | 924 | 26 | 2 045 | | | 2 | 900 |
| Наманган | 28 359 | 510,5 | 2 315 | 413 | 6 549 | 11,5 | 12 131 | 29 | 6 321 | 55 | 193 | 0,45 | 650 | 1 | 200 |
| Самарқанд | 23 260 | 181,7 | 4 141 | 87 | 7 849 | 20,0 | 8 220 | 10 | 800 | | | | | 5 | 2 250 |
| Сурхондарё | 25 636 | 119,1 | 2 100 | 238 | 2 370 | 11,6 | 7 560 | 22 | 1 945 | 145 | 2 464 | 2,0 | 3 796 | 12 | 5 400 |
| Сирдарё | 25 254 | 240,0 | 7 200 | 308 | 2 257 | 19,3 | 8 202 | 14 | 2 800 | 20 | 1 000 | 0,14 | 1 413 | 5 | 2 382 |
| Тошкент | 11 252 | 203,4 | 5 696 | 196 | 3 150 | | | 9 | 600 | 14 | 456 | | | 3 | 1 350 |
| Фарғона | 26 300 | 285,0 | 6 555 | 122 | 3 335 | 37,5 | 9 800 | 49 | 1 709 | 30 | 2 200 | | | 6 | 2 700 |
| Хоразм | 10 026 | 683,0 | 5 420 | 96 | 1 227 | | | 9 | 455 | 280 | 2 016 | | | | |
| **ЖАМИ** | **300 000** | **3 889** | **60 694** | **3 714** | **43 831** | **230,0** | **78 282** | **929** | **43 548** | **955** | **16 393** | **9,62** | **9 035** | **129** | **48 217** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига
4-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан насос станциялари ва вертикал суғориш қудуқларини ишлатиш учун 2022 йилда сарфланадиган электр энергияси

## МИҚДОРИ

| Ташкилот номи | 2022 йил бўйича жами | | шундан: | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I чорак | | II чорак | | III чорак | | IV чорак | |
| | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм |
| Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қорақалпоғистон НСЭБ* | 83,0 | 37 350,0 | 14,5 | 6 525,0 | 28,6 | 12 870,0 | 35,8 | 16 110,0 | 4,1 | 1 845,0 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Беруний НСЭБ | 31,0 | 13 950,0 | 5,3 | 2 385,0 | 11,0 | 4 950,0 | 11,5 | 5 175,0 | 3,2 | 1 440,0 |
| Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 280,0 | 126 000,0 | 7,8 | 3 510,0 | 118,8 | 53 460,0 | 117,7 | 52 965,0 | 35,7 | 16 065,0 |
| Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 184,0 | 82 800,0 | 30,6 | 13 770,0 | 62,9 | 28 305,0 | 70,3 | 31 635,0 | 20,2 | 9 090,0 |
| Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 31,0 | 13 950,0 | 2,9 | 1 305,0 | 10,7 | 4 815,0 | 14,5 | 6 525,0 | 2,9 | 1 305,0 |
| Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 140,0 | 63 000,0 | 14,2 | 6 390,0 | 45,2 | 20 340,0 | 50,2 | 22 590,0 | 30,4 | 13 680,0 |
| Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 148,0 | 66 600,0 | 15,0 | 6 750,0 | 48,7 | 21 915,0 | 53,0 | 23 850,0 | 31,3 | 14 085,0 |
| Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 778,0 | 350 100,0 | 99,9 | 44 955,0 | 271,3 | 122 085,0 | 256,7 | 115 515,0 | 150,1 | 67 545,0 |
| Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 173,0 | 77 850,0 | 15,9 | 7 155,0 | 63,7 | 28 665,0 | 64,7 | 29 115,0 | 28,7 | 12 915,0 |
| Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 49,4 | 22 230, | 7,9 | 3 555, | 17,1 | 7 695, | 15,4 | 6 930, | 9,0 | 4 050, |

| Ташкилот номи | 2022 йил бўйича жами | | шундан: | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I чорак | | II чорак | | III чорак | | IV чорак | |
| | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм | млн кВт.с | млн сўм |
| | | 0 | | 0 | | 0 | | 0 | | 0 |
| Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 915,0 | 411 750,0 | 133,7 | 60 165,0 | 294,5 | 132 525,0 | 308,8 | 138 960,0 | 178,0 | 80 100,0 |
| Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 69,0 | 31 050,0 | 3,4 | 1 530,0 | 26,9 | 12 105,0 | 32,3 | 14 535,0 | 6,4 | 2 880,0 |
| Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 355,0 | 159 750,0 | 42,8 | 19 260,0 | 125,2 | 56 340,0 | 127,5 | 57 375,0 | 59,5 | 26 775,0 |
| Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НСЭБ | 97,0 | 43 650,0 | 18,5 | 8 325,0 | 30,5 | 13 725,0 | 41,5 | 18 675,0 | 6,5 | 2 925,0 |
| Аму-Бухоро магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси | 1 460,0 | 657 000,0 | 231,0 | 103 950,0 | 459,8 | 206 910,0 | 522,4 | 235 080,0 | 246,8 | 111 060,0 |
| Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси | 2 130,0 | 958 500,0 | 435,0 | 195 750,0 | 613,0 | 275 850,0 | 627,1 | 282 195,0 | 454,9 | 204 705,0 |
| Жиззах бош насос станциялар бошқармаси | 226,6 | 101 970,0 | 40,4 | 18 180,0 | 77,5 | 34 875,0 | 67,0 | 30 150,0 | 41,7 | 18 765,0 |
| **ЖАМИ:** | **7 150,0** | **3 217 500,0** | **1 118,8** | **503 460,0** | **2 305,4** | **1 037 430,0** | **2 416,4** | **1 087 380,0** | **1 309,4** | **589 230,0** |

*Изоҳ. 1) Об-ҳаво шароити ва мавжуд сув миқдорларидан келиб чиқиб, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ушбу электр энергияси миқдорларига белгиланган тартибда Энергетика вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли ўзгартириш киритилиши мумкин;*

*2) Электр энергияси маблағлари тариф нархларига қараб ўзгариши мумкин.*

** НСЭБ — насос станциялари ва энергетика бошқармаси.*

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2022 й., 09/22/243/0401-сон)*